2010-yil 12-yanvar № 5 (2730) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Эзгуликдан бир қалъа барпо айлангким, маҳкамликда анга ҳеч нарса тенг бўлолмас.

Жалолиддин РУМИЙ

Имтиёзлар тараққиётга хизмат қилади

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залининг марказий павилонида Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган «Иқтисодий ислоҳотлар йўлида» номли кўргазмали семинар иш бошлади. Тадбирдан кўзланган мақсад солиқ тўловчиларни 2010 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва тизимдаги янгиликлардан хабардор этиш, уларга солиқ қонунчилиги, хусусан, кейинги йилларда қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда берилаётган солиқ имтиёзларини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Ислоҳотларда инсон манфаати

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ҳамда солиққа тортиш тартибини соддалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2010 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида жорий йилда фойда солиғи базавий ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиздан 11 фоизга, ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизгача пасайтирилди. Давлат мақсадли жамғармаларидан амалдаги пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ставкаси 1 фоиздан 1,5 фоизга оширилган бўлса, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасининг амалдаги 1 фоиз ставкаси 0,5 фоизга камайтирилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда амалдаги айрим имтиёзларнинг, жумладан, бюджет ташкилотлари учун давлат бюджетига ундириладиган солиқ ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилиш бўйича имтиёз муддати 2015 йилнинг 1 январига қадар узайтирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига кўра, Солиқ кодексининг 134 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, тадбирда юртимизда фаолият юритаётган бухгалтерлар фаолиятини енгиллаштириш, уларга янада қулайликлар яратиш мақсадида энг илғор мутахассисларни жалб этган ҳолда, иқтисодиётнинг барча йўналишлари бухгалтерия, молия-хўжалик фаолиятини автоматлаштирувчи «БЭМ — Бухгалтерга электрон мадад» миллий дастурининг расмий тақдимоти бўлиб ўтди.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди. Анжуман 15 январгача давом этади.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган сурат

Тадбир

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

кўзгу вазифасини ўтайди

Ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хавфсиз иш шароити билан таъминлаш, ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини мухофаза қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан саналади.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда бўлиб ўтган касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида шу йўналишда бажарилган ишлар мухокама қилинди. Унда Тошкент шаҳридаги барча туман бирлашган ҳамда Шайхонтоҳур туман бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди.

— Инсон саломат бўлса, ишида унум, оиласида хотиржамлик бўлади, — деди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Маъмура Алимова. — Шу боис, аввало, уларнинг саломатлигини тиклаш, мароқли дам олишига эътибор қаратаяпмиз. Жумладан, «Чортоқ», «Оқтош», «Чимён», «Бўстон», «Чинобод» каби сиҳатгоҳларда муаллимларимиз соғлиғини тикладилар. Бундан ташқари, Шайхонтоҳур туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан Самарқанд ва Бухорога саёҳатлар ташкил этилди.

Спорт-соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш нафақат жисмоний ва руҳий тетикликни, балки иш самарадорлиги ошишини ҳам таъминлайди. Мактабда ёпиқ спорт зали, ўйингоҳ, волейбол ва баскетбол майдонлари, тренажёр зали бор. Айни пайтда футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, кураш, шарқ яккакураши, теннис, стол тенниси, шахмат, шашка тўгараклари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таълим муассасасида туман миқёсида ўтказиб келинаётган педагогларнинг анъанавий спартакиадасида иштирок этаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008 йилда Рустам Муродов шахмат бўйича биринчи ўринни эгаллаганини айтиб ўтиш жоиз.

Ҳар қандай фидойилик рағбатга лойиқдир. Ўз ишига масъулият билан ёндашадиган ўқитувчиларга устама бериш жорий қилингани ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтирмоқда. Фан олимпиадаларининг туман, шаҳар ва республика босқичида фахрли ўринларга сазовор бўлган, ўқув-услубий семинарлар ташкил қилаётган фаоллар директор фонди ҳисобидан тақдирланмоқда.

Сўзга чиққанлар бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишигача амалга оширган ишларни алоҳида эътироф этишди. М.Алимова касаба уюшма қўмитаси раислигига қайта сайланди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман ташкилотининг конференцияси делегатлигига мактаб директори Салима Шарапованинг номзоди маъқулланди.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишлари касаба уюшмалари қўмиталари раислари учун кўзгу вазифасини ўтайди, — дейди Шайхонтоҳур туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Дилнора Ўлмасова. — 324-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотининг тажрибаси бошқа таълим муассасаларида ҳам кенг жорий этилгани барчамизни қувонтиради.

Йиғилишда кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қатнашчилар билдирган фикрлар, таклиф ва тавсиялар бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиш белгиланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол одимлари

Бундан ўн йил олдин қурилиб, фаолиятини бошлаган масканимиз «Саломатлик-2», «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида мукаммал жиҳозланди. Айни пайтда 14188 нафар аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Соғлигида муаммо сезганлар келиб, бир зумда лаборатория таҳлил натижаларини кўздан кечириб, ўз саломатлиги ҳақида маълумотга эга бўлишлари мумкин. Чунки энг сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари асосида аниқ ташхис қўйилаётир.

Эл хизматига камарбаста

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар давом этмоқда. Соғлом оилани шакллантириш ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Ўсмирлар, болалар ва туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилаяпти. Мазкур жараёнда 4239 нафар аёлдан 4197 нафарининг саломатлиги текшириб кўрилганида, 2655 аёлда экстрогенитал хасталиклар борлиги аниқланиб, 1904 аёл қайта соғломлаштирилди. 14 ёшгача бўлган 4222 нафар ўғил-қиз назоратдан ўтказилди. 1939 нафар болада турли касалликлар мавжудлиги маълум бўлгач, тезда зарур чоралар кўрилди.

ҚВП олтита маҳаллага тиббий хизмат кўрсатади. Ўн нафардан ортиқ патронаж-ҳамшира ўз бурчини сидқидилдан адо этаётир. Онажон Абдуллаева, Гулистон Қурбонова, Барно Чориева, Соражон Рўзматова ана шулар жумласидан. Беш нафар умумий амалиёт шифокори ҳам кўпчиликнинг олқишини олиб ишлаётир.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Шунинг учун ҳам аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида мунтазам равишда суҳбатлар уюштирилаяпти.

Алишер МАТЁҚУБОВ,
Урганч туманидаги «Олауйлик» қишлоқ врачлик пункти мудири

Касаба уюшма ҳаёти

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқлари ва меҳнат мухофазасига етарлича эътибор қаратилаяптими? Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг навбатдаги VI йиғилишида бу борадаги ютуқ ва камчиликлар атрофлича мухокама қилинди.

Кун тартибида — долзарб масала

Фаолиятга баҳо берилар экан, бу муҳим иш касаба уюшма ташкилотлари томонидан етарли даражада назорат этилмаётганлиги таъкидланди.

Қабул қилинаётган жамоа шартномаларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга енгиллик ва кафолатлар белгилаш, қўшимча таътиллар бериш, маъмурият ташаббуси билан меҳнат шартномасини асоссиз бекор қилишга тўсқинлик қилувчи, вояга етмаган, ногиронлар ва аёллар меҳнатидан фойдаланишда қонун доирасидагидан ҳам кўпроқ енгиллик ва кафолатлар белгиловчи бандлар киритилишига эришиш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбияга эътибор қаратилар экан, вилоят тармоқ кенгаши ва вакилликлари девони штатларига ҳуқуқшунос ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис бирликлари киритиш топширилди.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакиллиги «Карбонат» ОАЖ маъмурияти билан ҳамкорликда корхонадаги мавжуд 56 та иш ўрнини аттестациядан ўтказди.

Иш ўрни шаҳодатлангач...

Эндиликда шаҳодатланган иш ўринларида меҳнат унумдорлиги ортиб, қисқа муддатда корхона 2 миллион сўмдан зиёд фойда олишга эришди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши республика фермер хўжаликлари бирлашмаси кенгаши билан ҳайрли ишга қўл урди.

Бағрикенглик

Ҳомийларни жалб этган ҳолда тармоқдаги корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган кам таъминланган, кўп болали оилаларга, етим болалар, қарияларга моддий ёрдам, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат тарқатилаяпти. Бу борада Хўжайли туманидаги «Турон», «Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамиятлари, Нукус туманидаги «Бўзатов ИТБ» каби жамоаларда ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Андижон вилоятида касаначиликдан фойдаланаётган корхоналар сони 205 тага етди. Уларда 836 та меҳнат шартномаси тузилган. Касаначиларнинг барчаси касаба уюшмасига қабул қилинган.

Аъзолар сони ортмоқда

Шунингдек, ўтган йили вилоятда чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 3497 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1443 та, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 314 та янги иш ўрни яратилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг вилоят минтақавий гурухи билан яқин алоқа ўрнатган.

Фойдали ҳамкорлик

Омбудсман минтақавий вакили ҳамда кенгаш ходимлари томонидан кейинги 3 йил давомида 12 та ариза ҳамда шикоят текширилди. Тармоқ ходимлари томонидан фуқароларнинг асосан, аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича ёрдам кўрсатилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Паркент тумани кенгаши томонидан кам таъминланган 6 та оилага 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. 4 нафар кишига табиий газ учун маблағ ўтказиб берилди. Бокувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга 150 минг сўм ҳадя қилинди.

Назорат

Тумандаги фермер хўжаликларида ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаси тузиш, меҳнат дафтарчаси очиш ва ижтимоий муҳофазалаш ишлари касаба уюшма кенгаши назоратига олинган.

Ўз мухбирларимиз

Ishonch
2010-yil 12-yanvar № 5 (2730)

Таҳлил

МУАММОЛАР ютуқлар соясида қолиб кетмасин



Ўтган йил Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши учун баракали келди. Боз устига Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳар бир етакчига барча имкониятларни ишга солишни, тармоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама кучайтиришни тақозо этди. Амалдаги конунлар, Президент фармонлари, ҳукуматимиз карорларининг ижросини таъминлаш ҳам касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидан бири. Мазкур вазифа асосан уч йўналишда олиб борилди. Шу жумладан, жамоа шартномаларига имтиёз ва кафолатлар киритиш, фаолларнинг билим даражаларини оширишга ҳам эътибор кучайтирилди.

Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи 24 минг 846 та кам таъминланган оилаларга 3052 та корхона томонидан 464 миллион 284 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддатли фойдаланиладиган жиҳозлар ҳамда уй-жой қурилиши учун 168 та оилага 26 миллион 745 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган 3538 нафар аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил муддатлари узайтирилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 310 нафар кам таъминланган талабага контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида фарзандларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам турли имтиёзлар яратилди.

Ўтган йилнинг август ойида Тошкент вилоятидаги «Семурғ» болалар ёзги оромгоҳида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка, «Ота-она, бола» ва миллий кураш турлари бўйича республика маданий спорт-соғломлаштириш спартакиадаси ўтказилди.

Лекин ҳали тармоқ касаба уюшмалари олдида шундай муаммолар кўндаланг турибдики, уларни ҳал этмасдан илгари силжиш қийин. Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганларни касаба уюшма сафига тортиш шулардан биридир. Ўтган йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра, республикамизда мавжуд бўлган 105 минг 200 та фермер хўжаликлари тўлиқ касаба уюшмаларига жалб этилмаган ёки уларда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда сув билан ҳаводек зарур бўлган жамоа шартномалари тузилмаган. Бунинг асосий сабабларини, фермер хўжалиги раҳбарларининг ташкилотнинг мазмун-моҳияти ва жамоа шартномаларининг аҳамияти тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликларидан излаш лозим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси ҳамда турли долзарб масалалар юзасидан услубий қўлланмалар, жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиб, жойларга етказиб беришига қарамасдан фермер хўжаликларида тузилаётган айрим жамоа шартномалари талабга жавоб бера олмаслиги ҳам бор гап. Энг ёмони, уларнинг бажарилишини ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш ҳолатлари ҳам тез-тез учрамоқда.

Фермер хўжаликларида ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат дафтарчасини юритиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш ҳақи тайинлаш ҳамда маош беришда Республика Меҳнат кодекси талаблари тўлиқ бажарилмаяпти. Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг баъзи «билағон» раҳбарлари фойда кетидан қувиб, мавсумий ишларда ёлланма ишчилар меҳнатидан эмас, балки ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмаган ҳолда мардикорлардан фойдаланишяпти.

Меҳнатга ҳақ тўлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Баъзи фермер хўжаликларида энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилмаяпти. Айрим иш берувчилар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақини ҳам ишловчиларга раво кўрмай, ундан-да камайтириб тўлашга интилишмоқда.

Меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратишга жамоа шартномаларида алоҳида уқтириб ўтилган. Айнан шу ўта муҳим тадбирлар ҳамда иш жойларини аттестациядан ўтказиш иш берувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши зарур. Афсуски, айрим фермер хўжаликларида техника хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш санитария қоидалари ҳануз ўз ўрнини топгани йўқ. Ҳатто техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишдек долзарб вазифа эгаларини қисқартириб юбориш амалиётига ҳануз барҳам берилмаяпти. Бу ҳолат амалдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига умуман зиддлигини улар қачон тушуниб етишаркин?! Шунингдек, жойларда техника хавфсизлиги муҳандисларини тез-тез алмаштириш, улардан бошқа мақсадлардан фойдаланиш, баъзи ҳолатларда инсонлар ҳаёт-мамоти билан боғлиқ бу лавозимни мутлақо малакасиз, бу ишга умуман алоқаси бўлмаган кишиларга юклаб қўйишдек ҳолатлардан воз кечиш вақти етмадимикан?

Айни вақтда ҳар бир меҳнаткаш ўзи сайлаб қўйган касаба уюшма етакчисидан ўзига малакали хизмат кўрсатишини талаб этишга ҳақли. Шундай экан, юқоридаги муаммолар ютуқлар соясида қолиб кетмаслиги керак.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнатдан келса бойлик...

Иш билганнинг куни туғди

Сирдарё вилоятида 21 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган, аксарияти изчил фаолият юритмоқда. Жорий йил якунига кўра, минтақавий ялпи махсулот ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 72,1 фоизга тенг бўлди.

Ҳозир асосан қишлоқларда кичик саноат корхоналарини ташкил этишга қизиқиш кучайиб бораётир. Шу кунгача 120 дан ортиқ шундай корхона очилди. Оқолтин туманидаги «Сарчашма ғунчаси», Сирдарё туманидаги «Сир-Умар-мебел», Ширин шаҳридаги «Гулшан СС» фирмаси шулар сирасидандир.

Уларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш мақсадида 33 та тижорат банки, Савдо-саноат палатасининг 8 та ахборот-маслаҳат маркази, фаолиятни баҳолашга ихтисослашган 3 та компания ва 1 та кредит уюшмаси, 18 та аудиторлик фирмаси, 2 та бизнес-инкубатор, 3 та товар-хом ашё биржасининг савдо майдони, 30 та брокерлик идораси ташкил этилди.

— Эллиқ миллион сўм кредит олгандик, — дейди тадбиркор Равшанбек Бобохўжаев. — Даромад ҳисобидан уни қайтариб, супермаркет ва ресторанни жиҳозлаш ҳамда бошқа заруратлар учун яна шунча кредит олинди. Эндиликда ҳар ойда 30-35 миллион сўмлик хизмат кўрсатишга эришилаяпти. Пластик карточкаларда савдо қилишга ўтилганлиги аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

— Одамлар тадбиркорликнинг ҳавосини олаяпти, — дейди «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эсонбой Умрзоқов. — Буни қарангки, ҳар тўртинчи хонадонда иссиқхона бор. Улар помидор, бодринг ва турли кўкатлар етиштириб, бозорни ҳам тўлдирмоқда.

Дарҳақиқат, қайси ҳовлига кирманг, кишилар камида 20 тадан парранда, 5 тадан 10 тагача қўйқўзи, қорамол боқаётганини кўрасиз. Шунингдек, ҳар бирининг ўзига яраша томорқаси мавжуд.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик ва ёшлар

Хорижга экспорт қилинади

Тошлоқ тумани Конизар махалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Стапласт» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йил 800 миллион сўмликдан зиёд 40 турдаги пластмасса махсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. Тайёрланган челак, тоғорача, кўза ҳамда стол-стулларни Наманган, Андижон, Кўқон, Асака, Марғилон тадбиркорлари мамнуният билан сотиб олишмоқда.

— Жорий йилда яна беш хил янги махсулот ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўраяпмиз,— дейди корхона раҳбари Султонбой Собиров. — Бу билан қўшимча иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда конизарлик 100 га яқин ёшлар иш билан таъминланди. Янги экспорт лойиҳа дастури ишлаб чиқилди. Яқин келгусида корхона ўз махсулотларини хорижга экспорт қила бошлайди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Маҳсулот — кафолат

«Ургут Шарқ» МЧЖ жамоаси янги махсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

Тадбикорлар фаолиятининг илк кунлариданоқ 10 миллион сўмлик пластмасса махсулотларини бозорга чиқаришди. Ургутлик шу соҳага малакаси оширилган 15 нафар ёшлар турли ҳажмдаги идишлар, меҳнат қуроллари ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари турини кўпайтириш пайига тушган.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Саховат

Аёзли қиш кунларида дастурхонингизда палакдан янги узилган анвойи помидор, карсиллаган бодринг, редиска, кўм-кўк пиёз ва бошқа сабзавотлар бўлганига не етсин! Бу борада Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида муайян тажриба тўпланган.

Қишда ёз неъмати



Бундан уч йил муқаддам «Қамашитайёрловсавдо» масъулияти чекланган жамиятида 15 сотихли теплица барпо этилган эди. Ҳозирги пайтга келиб, иссиқхонанинг умумий майдони 70 сотихдан ошиб кетди.

— Қўшни туманлар, Қарши шаҳри деҳқон бозорларини лимон ва бошқа цитрус мевалари, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз, — дейди жамоа раҳбари Азим Зокиров. — Вилоятдаги қатор супермаркетлар билан янги маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузганмиз. Самарқандлик тажрибали боғбон Раҳмон Меликов ёшларга цитрус мевалари ўстириш сир-асрорларини ўргатмоқда. Миллий банкдан олган 110 миллион сўмлик имтиёзли кредит туфайли хўжалигимизнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Қамашида экинларни томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган бўлса, Шаҳрисабзда иссиқхоналар қуёш энергиясидан фойдаланилган ҳолда иситилаяпти. Йигирма икки ёшли Акмал Бўриев ўзининг «Орзу» ишлаб чиқариш фирмаси ва фермер хўжалигида иссиқхона қуриб, уни қуёш нуридан ҳосил бўлган энергиядан иситиш тажрибасини қўллай бошлаган эди. Бунинг натижасида 15 та янги ишчи ўрни яратилиб, қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Довруғи республикага тарқалган Андижондаги «Усмон Ҳожи» фермер хўжалигининг «Ойнаванд дала» янги технологияси ўз самарасини бермоқда.

Айни пайтда воҳада иссиқхоналар сони 230 тадан ошди. Бунинг учун фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари 4 миллиард 827 миллион сўм маблағ сарфлади.

Биргина Ташқи иқтисодиёт фалолият Миллий банки томонидан 25 та лойиҳа амалга оширилиб, уларга 507 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. «Насаф престиж люкс»,«Тоштемир» масъулияти чекланган жамиятлари, «Рисолат Камол қизи», «Аҳмедов Соҳибжон Зафарович», «Исломова София» деҳқон хўжаликлари, «Ўктам Нур Турдиали ота», «Ҳазрати Луқмон ота», «Янги Кент бунёдкори», «Раҳмонберди» фермер хўжаликлари, Аҳмад Эшпўлатов, Шаҳло Ўткирова, Ўғилой Махсумова, Илёс Ғойипов каби якка тадбиркорларнинг иссиқхоналарида баҳор нафаси уфуриб турибди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Қонун қонун-да,

Ҳуқуқий бадиа

Кўплар донишманд деб билдилар ўзни...
Умар Хайём

Садат Тожиев фалсафа фанлари номзоди, етмиш иккини уриб кўйган. Айтишига қараганда, ноҳақлик бўлибди. Эҳтимол. Бир келганида «Ҳужжатларни юборинг қани, бир ўрганиб кўрамиз» дегандим. Сал ўтмай хонамда «семиз» папка пайдо бўлди. Барчасини ўқишга вақт қани? Домла ботбот қўнғироқ қилади:

— Нима бўлди?

— Қўлим тегмаяпти.

— Ҳа, майли.

Бу ҳолат икки-уч марта такрорланди. Сўз бердингми, бажаришинг керак.

Баъзан ўйлаб қоламан. Файласуф эксанси, феълингизни кенг қилсангиз бўлмайдими? Тангри соғлик ва илмий салоҳият ато этган экан, шунинг ўзи катта иноят-ку. Балки, ҳақиқатан ҳам ноҳақлик бўлгандир. Ноилож, папкани варақлайман. Илмий иш услубида ёзилган шикоят. Қатор цитаталар келтирилган. Керакли жойини топиб, ўргана бошлайман.

2002 йил 1 март куни Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти фалсафа ва маърифатшунослик кафедраси мудири Садат Тожиев эгаллаб турган лавозимига янги муддатга танловдан ўтолмагани туфайли Меҳнат кодексининг 97-моддаси 6-бандига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бунга илмий кенгашнинг 2002 йил 5 февралдаги баённомаси асос бўлган.

Суд қарорлари, ажримлари... Даъвогар танлов нотўғри ўтказилган деса, жавобгар тўғри ўтказилган дейди. Жавобгар бошқа иш таклиф қилганмиз деса, даъвогар бундай қилишмаганини айтади. Суд ҳам даъвогар танловдан ўтолмаганини қайд этади.

Аслида, бу масалани юқори турувчи ташкилот, яъни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассислари ҳал этиши лозим эмасмиди? Энг ачинарлиси, даъвогар меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб, мурожаат этиш муддатини ўтказиб юбориб, 2005 йилда судга мурожаат қилган. Орадан 3 йил ўтаяпти.

2005 йил июн ойининг 17-куни фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди «даъвогар Садат Тожиевнинг жавобгар Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтига нисбатан даъво муддатини тиклаб ишга тиклаш, ноилож бекор юрган вақти учун иш ҳақи, моддий зарар ва маънавий зиённи ундириш» ҳақидаги ишини кўрди ва даъвони асоссиз ҳисоблаб рад этди. Ҳал қилув қароридан норози бўлган С.Тожиев апелляция шикояти берган.

Олим киши меҳнат ҳуқуқи бузилганини наҳотки билмаган бўлса? Домла келтирган важлар:

— семестр тугамасдан ишдан бўшатилдим;

— юқори идораларга мурожаат қилдим;

— касаба уюшмаси маслаҳати билан судга мурожаат қилдим;

— сабаби — ҳуқуқий билимим етишмаслиги;

— адвокатга мурожаат қилишни билмаганман.

Одатда шикоятчини ҳимоя қилишга интиламиз. Бу ўринда... домлажон, узр... Бошқа гаплар тўғридир, аммо ҳуқуқий билимим етишмади дейишингиз эриш туюлади.

Оқибатда, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2005 йил 17 июндаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Бу орада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-буйруғи билан тасдиқланган «Педагогик ходимларни олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низоми Ўзбекистон Бош прокуратураси келтирган протестга асосан «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси 2-банди талабларига зид бўлганлиги учун вазирликнинг 2006 йил 9 февралдаги 32-буйруғи билан бекор қилиниб, 2006 йил 10 феврал куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги низом қабул қилинди.

Газетхонлар манфаати учун шу масалани бироз ойдинлаштирайлик. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси 2-бандига кўра, педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомга мувофиқ амалга оширилади. Аммо «Олий таълим муассасаларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақида» низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу ҳужжат Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-банди 2-қисмига кўра давлат рўйха-

Ўқитувчи ва замон

Экология ва биз

Ўқувчининг қай даражада билимли бўлиши ўқитувчига боғлиқ. Ўзим сабоқ берадиган биология фани ўқувчиларга қизиқарли бўлишини истайман. Бунинг учун тинмай изланиб, бадиий, илмий асарлардан, даврий нашрлардан фойдаланаман.

Инсон ҳаёти, табиат билан боғлиқ биология дарсларида Орол фожиаси, экология мавзуларига кўп тўхталамиз. Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан бирга ёшларни табиатни севишга, асраб-авайлашга ўргатиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Инсон табиат қонунлари, мувозанатини тўғри тушунмаслиги ёки унга нисбатан совуққонлиги туфайли ўзи яшаб турган муҳитнинг табиий ҳолати бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигини юритишда йўл қўйилган хатолар, зарарли кимёвий моддаларнинг деҳқончиликда кўп ишлатилиши, тўқайзорларнинг нобуд қилиниши оқибатида Оролбўйида экологик вазият ёмонлашди. Орол фожиаси Марказий Осиёда яшайдиган 60 миллион кишининг саломатлигига салбий таъсир этмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида денгизнинг сатҳи уч баравардан кўп қисқарди, экинзорлар нобуд бўлди, тупроқнинг шўрланиши ортиб бораяпти. Натижада, ернинг структураси бузилиб, ҳосилдорлик камаймоқда, мева ва сабзавотлар пишмай қуриб қолаётир. Орол табиий тарзда қуриётган экан, биз ўз соғлиғимиз гарови бўлган тозаликка, тежамкорликка эътибор бераяпмизми?!

Ушбу мавзуни интерфаол дарслар орқали ёритиш ўқувчиларнинг муаммо ечимини қидиришига имкон беради. Гуруҳ аъзоларининг фикрлари умумлаштирилиб, илғор фикрлар юзасидан қарор қабул қилинади.

Оролнинг қуриб бораётгани туфайли аҳоли ўртасида кўплаб касалликлар, жумладан, камқонлик оммавий тус олаяпти. Камқонликдан азият чекадиган болаларда касалликка қарши курашиш қобилияти паст бўлиб, турли хасталикларга мойил бўлади. Бу дарсларни ўзлаштиришига ҳам салбий таъсир этади. Камқонликнинг олдини олиш мақсадида темир билан бойитилган ун истеъмол қилинади. У камқонлик, инсулт, инфарктнинг олдини олади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аниқлашича, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси камқонликдан азият чекар экан. Темир моддаси эса инсон организми бўйлаб кислород ташийди. Шунингдек, мош, ловия, маккажўхорида ҳам темир моддаси кўп бўлади.

Гуруҳга юртимизда ўсадиган доривор гиёҳлар, мева-сабзавотларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот келтириш ҳам топширилади. Улар бу борада ҳам фаол бўлишди. Эътибор беринг:

— юлғуннинг қайнатилган суви бачадон шамоллаши, тиш оғриғи, ич кетишда фойдали;

— гуруч суви ич кетишида ёрдам беради, меъдани тозалайди;

— исмалоқ меъда қайнашида, ўпка шамоллаши, йўтал, томоқ қуришида ёғ билан истеъмол қилинса фойда беради;

— гунафшанинг гули ва барги кўз оғриғи, йўтал, йўғон ичак, томир ва пай шишларига малҳам бўлади, меъдани тозалайди;

— гултожихўроз қайнатмаси меъда ва жигардан иссиқни қувади;

— долчин кўз фаолиятини яхшилайди, бош оғриғи, йўтал, буйрак, бачадон оғриғига фойдали;

— гулҳамишабаҳор қон босимини босади, қон туфлаш, йўталда фойдали, ўргимчак чақса заҳарини олади;

— карам бел оғриғи, жигар хасталиги, йўталда фойдали, овозни очади, кули куйган жойга қўйилса шифо бўлади.

Назокат ХЎЖАЕВА,
Урганч политехника ва компютер технологиялари коллежи ўқитувчиси

Саломатлик сабоқлари

Камқонлик иммунитетни сусайтиради

Олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВ билан суҳбат

— Камқонлик ва унинг белгилари ҳақида сўзлаб бер-сангиз.

— Камқонлик ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисмида учрайди. Бу хасталик асосан организмда темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқади. Камқонликда тери ранги ўзгаради, одам тез чарчайдиган бўлиб, гўё ҳаво етишмаётгандек, нафасга тўймайди. Бунга сабаб қонда кислород ва карбонат ангидридни ташувчи гемоглобин моддасининг камайиб кетишидир. Гемоглобин эса темир моддасисиз ҳосил бўлмайди. Қизил қон таначаларининг асосини ҳам гемоглобин ташкил этади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, битта эритроцитда 256 миллионта гемоглобин молекуласи бўлади. Уларнинг ҳар биттасида эса биттадан темир атоми мавжуд.

Танамиздаги темир моддасининг 57 фоизи эритроцитлар, яъни қизил қон таначаларидаги гемоглобин таркибида, 7 фоизи мускулларда миоглобин тарзида, 16 фоизи тўқималардаги металлоферментлар таркибида ва қолган 20 фоизи жигар, талоқ, буйрак ва илиқда захира сифатида туради.

— Одамнинг темирга эҳтиёжи қанча?

— Бир суткада темирга бўлган эҳтиёж эркакларда ўртача 10 миллиграмм, аёлларда эса 18 миллиграммни ташкил этади. Истеъмол қилаётган овқат таркибида темир моддаси кам бўлса, одамда унинг тақчиллиги — камқонлик сезилади.

— Эритроцитлар нима, улар қандай вазифани бажаради?

— Эритроцитлар тирик ҳужайралар бўлиб, иликларда ҳосил бўлади ва 30 кундан 90 кунгача талоқда ўз вазифасини ўтаб, ўлади ва таркибидаги темирни ҳам йўқотади. Ўлган эритроцитлар ўрнини янгиси билан тўлдириш учун доимо темир моддасига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

— Камқонлик қандай пайдо бўлади?

— Одамларнинг турли сабаб билан қон йўқотиши организмда темир моддасининг камайиб кетишига олиб келади. Айниқса, аёлларда ҳайз кўриш, бола туғиш туфайли қон йўқотилиб, темир тақчиллиги тез-тез кузатилади. Ҳомиладорлик пайтида камқон бўлган онадан туғилган ҳамда кўкрак сутини кам эмган болаларда ҳам темир тақчиллиги яққол намоён бўлади. Шуни ҳисобга олиб, аёллар овқатида темир моддасининг кўп бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

— Камқонликка чалинган аёллардан туғилган бола касалликларга берилувчан бўлади дейишади.

— Тўғри, темир моддаси етишмаган ҳомиладор аёлнинг тез-тез боши оғрийди, ичи дам бўлади, сочи сийраклашади, лабининг четлари ёрилади. Дармонсизлик, кўп терлаш, чала ва ўлик бола туғилиши, ҳомиланинг ўсишдан тўхтаб қолиши ва сурункали димиқиб туғилиши, ҳомиладорликда бола йўлдошининг барвақт кўчиши, туғруқ пайтида кўп қон кетиши, туғруқдан сўнг септик касалликка чалиниши эҳтимоли кучаяди. Ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиши натижасида баъзи аёллар вафот этиши мумкин. Қолаверса, бундай аёллардан аксарият ҳолларда нимжон, инжиқ, асабий бола дунёга келади.

Мева-сабзавотлар таркибида темир моддаси, С витамини жуда кўп. Аммо аёлларимиз қайси маҳсулотда қандай шифобахш моддалар борлигини, уларни истеъмол қилиш меъёрини билишмайди.

Шаҳарда эса аксинча, овқатнинг кўп қисмини жуда тозаланган, бошқача айтганда, таркибида темир моддаси жуда кам бўлган маҳсулотлар ташкил этиб, улардан тайёрланган таом ва пиширириқлар ҳам камқонликка сабаб бўлиши мумкин.

— Қоматини ушлаб туриш, семириб кетмаслик учун баъзи қизларимиз парҳез қилишади...

— Ўзбилармонлик билан қилинган бундай парҳез кўпинча камқонликни келтириб чиқаради.

Мутахассисларнинг тадқиқотига кўра, истеъмол қилинган озиқ-овқат таркибидаги темирнинг 10 фоизигина организмга сингади. Шуни ёдда тутиш керакки, ўсимликлардагига қараганда ҳайвон гўшти ва жигаридаги темир моддаси 25 фоизгача қонга сўрилади.

— Баъзи озиқлар темирнинг қонга сўрилишига салбий таъсир кўрсатади дейишади. Шу тўғрими?

— Сут, кофе, какао ва чой темир моддасининг қонга сўрилишига салбий таъсир кўрсатади. Халқимиз эса қизиқчи Ҳожибой Тожибоев айтганидек, жуда чойхўр. Нонушта, тушлик, кечки овқат, хуллас, кун бўйи чой ичишади. Бу, айниқса, камқонларга салбий таъсир қилади.

Камқон одамлар аччиқ чой ичмаслиги керак. Зарур бўлганда овқатдан икки соат кейин ёки олдин чой ичиш мумкин.

— Қайси маҳсулотлар темир моддасига бой?

— Мол гўшти, жигар, тухум сариғи, кепакли нон, буғдой кепаги, карам, олхўри, ўрик, майиз, ёнғоқ, кунгабоқар ва ошқовоқ уруғи, буғдой майсаси, ловия, нўхат. Буғдой уни кепагидан ажратилганда, унинг таркибидаги темир моддаси камаяди. Бир кило кепакли унда 30 миллиграмм темир моддаси бўлса, кепакдан ажратилгандан кейин у қарийб уч баробар камаяди.

— Нима қилса таомда темир моддаси кўпаяди?

— Бу жуда осон. Овқатга темир моддасига бой маҳсулотлар қўшиб истеъмол қилинади. Масалан, салатга буғдой кепаги сепилса, темир моддасига бойийди. Сумалак, ҳалим темир моддаси ҳамда С витаминига жуда бой. Шунингдек, олма, нок, гилос, ертут, шафтолида ҳам темир моддаси сероб.

Темирга бой ўсимликлардан яна бири қичитқиўтдир. Камқонликни даволашда табобатда ундан фойдаланишган. Қичитқиўтнинг сиқиб олинган шарбатига асал қўшиб ичилса, организм темирга бойийди.

Камқонлик туфайли турли хасталиклар келиб чиқади. Организм турли касалликларга чалинувчан бўлади, иммунитети сусаяди.

— Камқонликнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Бу унча катта куч талаб этмайди. Фақат озгина уқув ва эътибор бўлса бўлди. Камёб, махсус озиқ-овқатларни истеъмол қилишга эҳтиёж йўқ. Гўшт ва балиқда организмга тез сўриладиган хусусият бор. Ловия, нўхат, мош, жўхори ва дуккакли озиқларда темир моддаси кўп бўлгани билан қонга секин сўрилади. Шунинг учун уларни С витаминига бой кўкат ва шарбатлар билан қўшиб истеъмол қилган маъқул.

Темир моддаси ва витаминлар билан бойитилган ун камқонликнинг олдини олиш учун энг қулай озиқ ҳисобланади. Уни дўконлардан сотиб олиш мумкин.

Амина НАБИЕВА суҳбатлашди

Яхшилар ёди

Янгибоев боғлари

Тилаволди Янгибоев иқтидорли раҳбарлардан бири эди. Баланд бўйли, жингалак соч ва истарали бу инсонни бир гал Навоий номидаги хўжаликка йўлим тушганда дала тарафдан велосипедда келаётганида учратдим.

— Ҳа, раис бува, кунингиз «шайтон арава»га қолдими?

— Сўраманг, — раис кулди. — Механизаторларимдан бири уйланяпти. ЗАГСдан ўтиб келиш учун машинамни сўради. Қандай йўқ дейман.

Яқинда ўша ёқларга борганимда боғ кўчадан юришга тўғри келди. Шаҳрихон билан Андижон шаҳарлари оралиғида ястанган бу йўлдан юришнинг ўзи роҳат. Катта Фарғона каналининг темир-бетон кўпригидан ўтганингиздан сўнг йўлнинг икки қирғоғида саф тортган мевали дарахт қаторлари бошланади. Ёнғоқ, олма, ўрик ва бошқа дарахтлар. Уларнинг ортида пахтазор. Бир гал бунинг сабабини сўрадим.

— Ўзбеклар пахтадан бошқа нарсани билишмас экан-да, дейишмаслиги учун шундай қилдик, — дея жавоб қайтарганди Т.Янгибоев. — Қолаверса, янги йўл чиқарилаётганида тупроғи олинган жойлар зовурга айланиб қолган. Унинг қирғоғи заҳкаш бўлиб, ғўза яхши ўсмайди. Ернинг умри бекор ўтмасин, дея мевали дарахт ўтқаздик. Ахир унинг мевасиям даромад келтиради. Одамларнинг саломатлиги учун керак-ку!

Шўро замонининг одатлари қизиқ эди. Янгибоев хўжаликни гуркиратиб ишлаётганида кутилмаганда вилоятга олиб кетишди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлигига қўйишди. Бу вазифада икки йил ишламасидан Бўз туманининг қумтепалар оралиғида йиллик топшириқни бажаришни унутиб юборган Манноб Жалолов номли хўжалик раҳбарлигига тайинлашди. Қаҳрамонимиз икки йил ичида бу хўжаликни ҳам оёққа турғазди. Қарангки, бу орада илгари ишлаган жамоа хўжалигида иш орқага кетган, одамлар юқори идораларга хат ёзиб, Янгибоевни раҳбарликка қайтаришни талаб қилишаётган эди. Ниҳоят, кўпчиликнинг фикрига қулоқ тутишга мажбур бўлинди.

Бошқа сафар борганимизда пахта йиғим-терим авжига чиққан палла эди. Идора ҳовлисида гуллар чамандек очилган. Раис кеча терилган пахтани тўла топшириб бўлингунча кетмаганлигини, эрталаб яна бир-икки бригадани айланиб идорага келишини айтишди.

Сал ўтмасдан ташқарида автомобил келиб тўхтаб, ҳайдовчи йигит тушиб эшикни очди. Сўнг қора кўзойнак таққан раисни машинадан суяб туширди. Ҳайрон бўлдим. Наҳотки, ўзим билган Тилаволди Янгибоев бюрократга айланган бўлса? Ерга тушгач ҳам, вазият ўзгармади. Шу ҳолича ичкарига қараб юрди. Эшикдан киришгач, раис навбатчидан ахборотни эшитди ва ичкарига бурилаётиб бизга кўзи тушди.

Қучоқлашиб кўришдик.

— Касаллик шу аҳволга солди. Энди мени бўшатиб қўя қолинглар, десам, «Соянгиз хўжаликда бўлсаям, иш юриша беради», деб унашмаяпти. Бу «сахар» қурғур шу ҳолга келтириб қўйди.

Орадан бир ой ўтиб-ўтмасдан Т.Янгибоевнинг оламдан ўтганлигини эшитдим.

Шаҳрихон тумани марказига кираверишдаги, чапга қайрилган асфалт йўлдан кетиб борарканман Катта Фарғона канали кўпригидан ўтгач, ҳар икки тарафда қаторлашган мевали дарахтларни назардан ўтказиб, Тилаволди Янгибоевни эсладим. То вилоят марказига қадар чўзилган боғни одамлар «Янгибоев боғлари» дейишади. Инсон ўтади, аммо у яратган эзгу иш қолади, деб тўғри айтишаркан.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Домлажон!

тидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлмайди. Домлага шу керак эди. Чунки суднинг биринчи ва апелляция инстанцияларида ғайриконституциявий низом тан олинган, яъни шу асосда даъвогар тўғри бўшатилган деган хулосага келинган эди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасига кўра, аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар, шунингдек, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Шундан сўнг домла судга яна мурожаат қилди. Яна тарафлар фикри батафсил эшитилди, муҳокама қилинди.

Яна бироз мулоҳаза юритамиз. Биринчидан, дастлабки суд инстанциялари фақат ўша эски низомга таяниб, даъвони рад этмаган. Иккинчидан, даъвогарнинг гапига қараганда, жавобгар ўша юридик кучга эга бўлмаган низом талабини бузиб, танлов ўтказган ва меҳнат шартномасини бекор қилган. Учинчидан, «Таълим тўғрисида»ги қонун талабига жавоб берадиган янги низом домланинг масаласини ижобий ҳал қилишга ёрдам бермайди. Аввало, асосий қоидалар деярли ўзгармаган. Бунинг устига, Фуқаролик кодексининг 4-моддаси 1-қисмига мувофиқ фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилгандан кейин вужудга келадиган муносабатларга нисбатан қўлланади. Табиийки, бу даъво ҳам рад этилди.

Қандай асосланяпти? Шунда ғалати ҳолат кўзга ташланади. Матнни келтирамиз. «Суд ...жавобгар... вазирликнинг юқорида қайд этилган буйруғига (?) асосан даъвогар Тожиев С. эгаллаб турган вазифасига нисбатан танлов ўтказганлиги сабабли ўқув семестри якунлангач 2002 йил 1 мартда даъвогар Тожиев С. билан ўрталарида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинганлигини инобатга олиб (?), жавобгар ташкилот томонидан даъвогар Тожиев С. меҳнат қонунчилиги асосида тўғри ишдан бўшатилган деган хулосага келишни лозим топди».

Сўроқларни сўроқлаймиз. Нега «низом» тилга олинмаяпти-ю, шу ҳужжатни тасдиқлаган буйруқ зикр этилаяпти? Гўё вазирлик фалон жойда танлов ўтказинг деб буйруқ бергандек. Нега меҳнат шартномаси тўғри бекор қилинган дейилмайди-ю, «инобатга олиб» тўғри бўшатилган дейилади?

Домланинг кассация тартибида келтирган шикояти фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг ушбу даъво бўйича фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Бошингни қашийсан. Ушбу лавозим танлов асосида 5 йил муддатда эгалланади, танлов бўш лавозимни тўлдириш учун ўтказилади. МК 97-моддаси 6-қисми янги муддатга танлов бўйича ўтолмаганликни билдиради. Янги муддат эса ҳали келмаган эди. Бир томони, ўқув йили тугамаган. Мабодо, ходимнинг ўз вазифасига нолойиқлиги аниқланса, бу бошқача тарзда ҳал қилинади ва меҳнат шартномаси МК 100-моддаси 2-банди бўйича тўхтатилади. Бу қоида янги низомда ҳам умумий тарзда мустаҳкамланган.

Шу ўринда жиндек изоҳ: зукко ҳуқуқшунос шартномага нисбатан «тўхтатилади» атамаси қўлланмайди, «бекор қилинади» дейиши тайин. «Тўхтатилади»нинг маъноси шуки, номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузган шахс низомга кўра илгари эгаллаб турган лавозимига ўтган бўлса, янги муддатга меҳнат муносбати чўзилади ва тегишлича буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шарномаси бекор қилинганда 12 кун ўтиб, домла таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига мурожаат этган. Бу эътиборга олинадиган ҳолат, лекин шундан сўнг қаерга мурожаат қилинганини билмадик.

Даъвогар белгиланган муддатда судга шикоят қилганда ёхуд даъво муддати тикланганда танлов тўғри ёхуд нотўғри ўтказилганлиги ва унинг оқибати алоҳида муҳокама қилиниши мумкин эди. Яна бир гап. Меҳнат шартномасини тўхтатишга асос бўлган институт илмий кенгашининг қарори кенгашнинг ўзи ёхуд юқори турувчи идора томонидан бекор қилинганда ҳам ҳолат бошқача тус олган бўларди.

Тўғри, ФПКга кўра, ҳар тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Назаримизда, далилларга ҳар тарафлама холисона ёндашилганда даъвогарнинг «талаб ва илтимосларим эътиборсиз қолдирилди» деб ҳар тарафга хатлар йўллашига ҳожат қолмасди.

Табиат-у жамиятда ҳар бир яралмишга муддат ажратилган. Кимдир билмас, аммо файласуф буни яхши билади. Республика Олий суди Пленумининг 1988 йил апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларни қўллаш ҳақида»ги қарорининг учинчи банди: «...суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди, ...мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлиги аниқланса, даъвони рад этади». Ҳужжатлар шаҳодат беради: бошқаси баҳслидир, бироқ бу ҳолат исбот талаб қилмайди. Қонун қонун-да!

Дарвоқе, назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза бериладиган бўлса, шикоятни файласуф эмас, адвокат ёзгани маъқул.

Довуд МАДИЕВ,
ҳуқуқшунос-журналист

Ishonch
2010 yil 12 yanvar № 5 (2730)

Сарҳисоб

Маданият, санъат ва спорт намояндалари

9 январ куни пойтахтимиздаги «Наврўз» тантаналар уйида 2009 йил якунлари бўйича йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Сарҳисоб қилсак, ортда қолган йил ўзбек спорти, маданият ва санъати учун анча сермаҳсул бўлганини кўриш мумкин. Спортчиларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган бўлса, санъаткорларимиз гўзал асарлар яратиб, мухлисларига туҳфа қилишди.

Кутилганидек, касаба уюшма спортчиси, Халқаро эшкак эшиш федерацияси қарорига кўра «Сайёранинг энг кучли эшкак эшувчиси» деб топилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпиони Вадим Менков «Йилнинг энг ёрқин спорт юлдузи» деб топилди. Чемпионнинг устози Александр Пономарёв «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб эълон қилинди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова «Тиниқ тонглар» қўшиғи билан «Йилнинг энг яхши қўшиғи ижрочиси» деб топилди. Қолган номинантлар билан танишинг.

2009 йилнинг энг яхши спорт намояндалари:

«Йилнинг энг фаол федерацияси» — Ўзбекистон теннис федерацияси.

«Йилнинг энг маҳоратли спортчиси» — Аббос Атоев, бокс бўйича жаҳон чемпиони.

«Ёшлар спорти жонкуяри» — Сергей Пинчук, шахмат бўйича ёшлар терма жамоаси мураббийи.

«Йилнинг энг фаол спорт тарғиботчиси» — Давлат Турдиалиев, «Sport» телеканали директори.

«Йилнинг энг фаол спорт жонкуяри» — Ботир Тешабоев, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси.

«Йилнинг энг яхши ҳаками» — Эшпўлат Ҳидоятов, эркин кураш бўйича FILA ҳаками.

«Йилнинг энг фаол спорт мухбири» — Акмал Абдиев, «Ishonch» газетаси мухбири.

«Йилнинг энг фаол спорт ташкилоти» – Марказий ҳарбий спорт клуби.

«Ўзбек спортини дунёга энг фаол тарғиб этувчи юртимиз вакили» — Армен Багдасаров, Халқаро дзюдо федерацияси спорт директори.

«Йилнинг энг иқтидорли спортчиси» – Анастасия Свечникова, енгил атлетика бўйича жаҳон чемпиони.

«Йилнинг энг фаол олий спорт маҳорати мактаби» – Сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.

«Йилнинг хотин-қизлар спорти жонкуяри» — Руслан Мустаев, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасининг ижрочи директори.

«Сингапур олимпия ўйинларига биринчи йўлланмани қўлга киритган спортчи» — Гулноза Матниязова, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси.

«Йилнинг энг фаол спорт фахрийси» — Вера Дуюнова.

«Йилнинг намунали спорт иншооти» — «Пахтакор» стадиони.

«Спорт маликаси» – Анна Савкина.

«Йилнинг энг яхши футболчиси» — Одил Аҳмедов.

«Йилнинг сермаҳсул мураббийи» — Шароф Худойбердиев, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

«Йилнинг энг иродали спортчиси» — Мирзоҳид Шаропов, армрестлинг бўйича олти карра жаҳон чемпиони.

«Спорт тадбирларининг моҳир ташкилотчиси» — Алишер Каримов, Ўзбекистон бокс федерацияси вице-президенти.

«Йилнинг энг ташаббускор ассоциацияси» — Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси.

«Йилнинг энг яхши спорт репортажи» — кураш бўйича Термизий хотирасига бағишланган халқаро турниридан репортаж. Муаллиф – Мусурмон Элмуродов.

«Йилнинг энг яхши спорт журналисти» — Даврон Шарипов, «Sport» телеканалининг Хоразм вилояти бўйича мухбири.

2009 йилнинг энг яхши маданият ва санъат намояндалари:

«Рақс санъати фидойиси» — Галия Измайлова, Ўзбекистон халқ артисти.

«Йилнинг энг фаол театри» — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали театри.

«Мусиқа санъати фидойиси» — Аҳмаджон Жабборов, Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

«Йилнинг энг фаол сухандони» — Дилором Умарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«Йилнинг энг яхши балетмейстери» — Қодир Мўминов, Ўзбекистон халқ артисти.

«Болаларнинг севимли шоири» — Анвар Обиджон, Ўзбекистон халқ шоири.

«Йил ҳайкалтароши» — Равшан Миртожиев, Ўзбекистон санъат арбоби.

«Йилнинг энг фаол музей ходими» — Озод Каримов, Хива «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофизи.

«Болалар санъати жонкуяри» — Нодира Қурбонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Томоша» болалар театр студияси раҳбари.

«Мумтоз қўшиқлар тарғиботчиси» — Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ артисти.

«Ўзбекистон ёш истеъдодларининг жонкуяри» — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси.

«Йилнинг энг фаол фолклор жамоаси» — Фарғона вилояти «Кабутар» фолклор-этнографик халқ ансамбли.

«Йилнинг энг яхши овоз оператори» — Назира Мирсагулова, Республика телерадио маркази ДУК Тошкент радиоэшиттириш уйи овоз ёзиш студияси оператори.

«Йилнинг энг моҳир кулгу устаси» — Мамасиддиқ Ширяев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

«Йилнинг энг фаол рақс жамоаси» — «Сабо» миллий рақс ансамбли.

«Йил композитори» — Алишер Расулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

«Йилнинг энг фаол маданият саройи раҳбари» — Шуҳрат Воҳидов, Темирйўлчилар марказий маданият саройи раҳбари.

«Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси» — Абдувоҳид Очилов, «Ўзбекистон» радиоси мухбири.

«Йилнинг энг фаол театр актрисаси» — Гулчеҳра Носирова, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри.

«Йилнинг энг яхши мусиқа сайқалчиси» — Мусахон Нурматов, Қуролли кучлар ашула ва рақс ансамбли бастакори.

«Оммавий тадбирларнинг энг фаол рассоми» — Акмал Жамолиддинов, «Туркистон» саройи бош рассоми.

«Йилнинг энг фаол саҳна либослари рассоми» — Лобар Полвонова, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри рассоми.

«Йилнинг энг яхши кино актёри» — Алишер Узоқов.

«Умидли театр режиссёри» — Жамил Азларов, «Дийдор» театр студияси режиссёри.

«Театр санъати жонкуяри» — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Пармонов.

«Халқ ижодиёти фидойиси» — Хоразм вилояти «Оразибон» фолклор-этнографик халқ ансамбли.

«Балет санъатининг келажак юлдузи» — Нодира Ҳамроева, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри балет артисти.

«Ватанпарварлик қўшиқларининг моҳир ижрочиси» — Марат Ҳакимов, Қуролли кучлар ашула ва рақс ансамбли хонандаси.

«Ўзбек рақси жонкуяри» — Муяссар Сотволдиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер.

Номинациялар эгаларига мукофотларни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов топширди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг санъаткорлар томонидан мусиқий дастур намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

Кечинма

Самолёт Тошкент аэропортига қўнди. Ўша дамдаги туйғуларимни тасвирлаш мушкул. Кўзларим ёшланди. Юрт қадрини ундан узоқда билади киши. Бу гапларни кўп эшитганман. Энди эса бу сўзларнинг маъносини англадим.

Суянчимсан, онажон — Ватан!

Ўтган йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университетига ўқишга юборилдим. Нимасидир Тошкентга ўхшаб кетадиган бу шаҳарни айланишга чиққанимда, илк бор ўзгача бир туйғу билан юртимизни соғиндим. Онам ёпган иссиқ нону райҳон иси келиб турадиган уйимизни қўмсадим.

Бир галги дарсда ўқитувчи ҳар ким ўз ватани ҳақида гапириб беришини сўраб, балога қолди. Туркия, Хитой, Ветнам, Тайланд, Ҳиндистон, Россия ва Америкадан келган курсдошларим ҳам мендай юртини соғинган экан. Биринчи бўлиб мен сўзга чиқдим. Буюк боболаримиздан бошлаган ҳикоям ҳеч тугамасди. Қирқ минут камлик қилди, ҳали айтадиган гапларим кўп эди. Кореяни киноларда кўрганимдек тасаввур қилардим. Йўқ, унчалик эмас-у, лекин одамларининг бир-бирига ҳурмати ҳавас қиларли даражада. Эҳтиром тушунчаси қадрият даражасига кўтарилган. Катталар олдида камтар бўлиш, салом бераётганда эгилиш, узатилган нарсани икки қўллаб олиш, икки қўллаб узатиш каби ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Овқатни хонтахтага қўйиб, ерда ўтириб ейиши-ю, серсаломлик одатларини кўриб, беихтиёр буларни биздан ўрганиб келганмикан деб ўйладим.

Ўзбекистондан уч киши эдик. Кейинроқ Кореянинг бошқа шаҳарларида ўқиётган ўзбек ёшлари билан танишдик. Корейслар ўзбекистонлик талабалар ҳақида яхши гаплар гапирар, изланувчанлигимиздан мамнун эди. Улар ибн Синонинг тиббиёт илмига қўшган буюк ҳиссасидан тортиб, Улуғбекнинг астрономия фанида тутган ўрни, Амир Темурнинг юришлари-ю Беруниийнинг изланишларини жуда яхши ўрганишган экан. Университетда «Туркия-Ўзбекистон кунлари» деб номланган кеча бўлиб ўтганда корейс қизлар атлас кўйлак кийиб рақс тушди. Навоий ва Бобурнинг рубоийларидан айтиб беришди.

Бир гал ўзбек ошхонасида корейс ўртоқларим билан палов ва мантихўрлик қилдик. Уларнинг ки римпап деган овқати бизнинг ош каби сабзи, пиёз ва гўштдан тайёрланаркан. Чук деган таоми ўзимизнинг маставага ўхшаб кетади. Лекин мазаси бошқа-бошқа.

Пусаннинг машҳур «Пусан илбо» газетасида Кореядан олган таассуротларим ҳақида мақолам чоп этилди.

У ерда бир йил мобайнида кўп илм ўргандим. Юрт тараққиёти учун ҳисса қўшиш ниятим янада кучайди. 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Фарзандларига бу қадар меҳрибон халқ яна қайда бор?!

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА

Орамиздаги одамлар

Уста Мирфайзи



1982 йилнинг кузида Ўзбекистон санъат музейининг бош таъмир устаси Абдулла Йўлдошев профессор Малик Набиевдан мактуб олди. Унда: «Абдулла, санъаткорлар сулоласидан бир йигитни юборяпман. Кобилиятли, биринчи курс талабаси. Шуни шогирдликка ол», — деб ёзилганди.

Абдулла ака ишлаб ўтирганди, рухсат сўраб, оқ-сариқдан келган, ўрта бўй, истараси иссиқ йигит кирди. Табассум билан қадрдонлардек сўрашди. Абдулла ака уни раҳбар ҳузурига бошлади. Самиғ Абдуллаев: «Бу болани танийман. Уста Усмон Зуфаровнинг набираси. Устанинг портретини яратиб, диплом иши ёқлаганман. Отаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирсоат Усмонов. Тоғалари Тўхтамурод, Муҳаммадсиддиқ Зуфаровлар ота изидан бормоқда. Акаси Эркин ёзувчи ҳам журналист», — деди кулиб. Кейин: «Музейга безакчи рассом керак. Ишни шундан бошлайсан», — деб Мирфайзи Усмоновнинг елкасига қоқиб қўйди.

Мирфайзи шу кундан бошлаб музейга файз киритди. Залларни айланиб чиқди. Тартибга риоя қилиб, рассомчиликка оид ишларни бажарди. У устози Абдулла Йўлдошевнинг ишларини кузатар, ҳам ўқиб, ҳам ишларди.

Мирфайзи 1985 йили Низомий номидаги педагогика институтини тугатди. Истеъдодли рассом, рангтасвир кафедраси профессори Малик Набиев раҳбарлигида «Уйғун» портретини яратди. Бу диплом иши аълога баҳоланди.

Мирфайзи Усмонов Москвадаги реставрация устахонасида 1990-1991 йиллари қисқа курсни битириб, таъмирлаш сирларини ўрганиб қайтди. Бош таъмир устаси Абдулла Йўлдошев билан ёнма-ён ўзбек, рус, Ғарбий Европа мамлакатлари рассомларининг мумтоз асарларини таъмирлади.

Рангтасвир асарларининг сақланиши жуда қийин. Ниҳоятда авайлаш керак. Томошага қўйилган асарларга қўл теккизилмаслиги шунинг учундир.

Мирфайзи Усмонов яқин йилларда Ўзбекистон рассомларидан Раҳим Аҳмедов, Ўрол Тансиқбоев, Александр Волков, Зинаида Ковалевская, Надежда Кашина, рус рассомларидан Тропинин, Айвазовский, Суриков, Крамской, Брюлов каби усталарнинг айрим асарларини таъмирлади. Унинг мустақил ишлаётганига ҳам ўн етти йил бўлибди.

Шу йил 26 октябрдан 6 ноябргача Санъат музейининг таъмирлаш хонасида Ўзбекистон бадиий академияси, Санъат музейи ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мастер-класс икки мамлакат реставраторлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Машҳур француз реставраторлари Жераллдино Фрей, Слесил Бренгелар Санъат музейи бош реставратори Мирфайзи Усмонов, Ўзбекистон бадиий академияси реставраторлари Баҳодир Мадминов, Станислав Ҳошимов, Амир Аҳмадхўжаевлар билан ҳамкорликда Санъат музейи захирасида сақланаётган тўрт асар: Клейвер, Элбрат, Врубел, Зоммернинг картиналарини таъмирлашди. Клейвернинг «Ўрмон» номли асарини Мирфайзи Усмоновнинг ўзи таъмирдан чиқараркан, француз усталари унинг маҳоратига тан беришди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос

Маънавият сабоқлари

Арасту ёши етмишга етганда барбат (удга ўхшаган тўққиз торли мусиқа асбоби) чалишни ўрганибди. Шогирдлари ундан: «Оппоқ сочингиз билан барбат машқ қилишга уялмайсизми?» — деб сўрашса, шундай жавоб берибди:

Масъуллик

— Даврада ўтирган одамлар бу ҳунарни билгани ҳолда мен кўзимни мўлтиллатиб ўтирсам уят бўлур эди. Ҳар қандай илму ҳунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш фазилатдир. Жоҳил кишигина бунинг маъносини тушунмайди ва фойдасини билмайди.

Баъзи ёшларда вақтнинг қадрига етмаслик, дангасалик, лоқайдлик, манфаатпарастлик каби иллатлар борлигини кўриб ранжийсан. Ўсмирлар билан суҳбатлашсанг, «Ҳали ким бўлишимни билмайман, ота-онам билади» деган жавобни эшитиб, ҳайрон қоласан. Айрим ёшлар эса ҳунар ўрганишга, касб танлашга кечикканини айтишади. Ваҳоланки, эзгуликнинг кечи йўқ.

Ахир биз эркин мамлакатда яшаяпмиз. Эркин фикрлаяпмиз, эркин сўзлаяпмиз, ҳуқуқимиз, бурчимизни яхши биламиз. Шундай экан, «Нега бизга берилган имкониятдан фойдалана олмаяпмиз?» деган андиша ҳар бир киши қалбидан муқим жой олиши шарт.

Автобусларда ўзидан ўзга билан иши йўқ, манзилга етгунча телефондаги гапини тугатмай асабни бузадиган ёшларга танбеҳ бериш ҳам катталарнинг бурчи!

Зеро, дангасалик турғунликка, ғайратлилик эса фаровон ҳаётга етаклайди.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА, Республика Маънавият-тарғибот маркази бўлим мудири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, касаба уюшма вилоят тармоқ кенгашлари ва Марказий кенгашларнинг вилоятдаги вакилликлари жамоалари Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоятидаги вакили Ҳосилжон Қосимовга оиласи **Азизахон ХОШИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, унинг вилоятдаги вакилликлари ва Тошкент шаҳар кенгаши жамоалари Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили, касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсат аъзоси Мендибой Узоқбоевга онаси **ЎРОЗГУЛ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши жамоаси вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси У.Одиловга ўғли **ШАМСИДДИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: Y.Abdukarimov
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 53

19514 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5